



**СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ
НАҚДСИЗ ТЎЛОВЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ЯШИРИН
ИҚТИСОДИЁТНИ БАРТАРАФ ЭТИШДАН КУТИЛАЁТГАН
САМАРАДОРЛИК**

<https://doi.org/10.70728/conf.susta.018>

Маматкулов Салимжон Рахмонкулович
Тошкент давлат Иқтисодиёт университети
мустақил изланувчиси

Аннотация: Мақолада XXI-аср технология асри эканлигини инобатга олган ҳолда кўп мамлакатларда тўлов тизимлари тобора электронлашиб бориши фонида нақд пулнинг аҳамияти камайиб бораётгани кўриш мумкин. Ушбу ўзгаришларни инобатга олган ҳолда замонавий иқтисодиётда нақд пулнинг долзарблигини камайитириш орқали тўловлар шаффофлиги, харажатларни камайитириш ва натижада мамлакатимиз иқтисодиётида кутилаётган ижобий натижалар таҳлил қилинди. Шунингдек, электрон пулни республикамызда жорий қилиш юзасидан хорижий тажрибалар ўрганилган ҳолда таклифлар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: пул, нақд пул, кэшлесс тўловлар, нақдсиз тўловлар, электрон пул, электрон ҳамён, банкнота, мобил пул хизматлари, иқтисодиёт, мониторинг, sand доллар, норасмий иқтисодиёт.

Аннотация: Принимая во внимание, что XXI век является веком технологий, в статье рассматривается, как значение наличных денег снижается на фоне все большей электронизации платежных систем во многих странах. С учетом этих изменений был проведен анализ прозрачности платежей, снижения расходов за счет уменьшения актуальности наличных денег в современной экономике и, как следствие, ожидаемых положительных результатов в экономике нашей страны. Кроме того, на основе изучения зарубежного опыта были разработаны предложения по внедрению электронных денег в нашей республике.

Ключевые слова: деньги, наличные деньги, безналичные платежи, безналичные платежи, электронные деньги, электронный кошелек, банкнота, мобильные денежные услуги, экономика, монетарная политика, песочный доллар, неформальная экономика.

Abstract. The article discusses how the importance of cash is diminishing against the backdrop of increasingly electronic payment systems in many countries, considering that the 21st century is the age of technology. Taking these changes into account, the study analyzes the potential positive outcomes for our country's economy through enhancing



payment transparency and reducing costs by decreasing the relevance of cash in the modern economy. Additionally, proposals for implementing electronic money in our republic have been developed based on the examination of foreign experiences.

Keywords: money, cash, cashless payments, non-cash payments, electronic money, e-wallet, banknote, mobile money services, economy, monetary policy, sand dollar, informal economy.

Кириш

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётнинг рақамли секторини ривожлантириш борасида давлат томонидан кенг қўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий қилинмоқда, электрон ҳужжат айланиши тизимлари жорий этилмоқда, электрон тўловлар ривожлантирилмоқда ва электрон тижорат соҳасидаги норматив - ҳуқуқий база янада такомиллаштирилмоқда.

Кўпчилик электрон пуллар деганда биринчи ўринда ҳаёлига фақат криптовалюталар келади. Аслида, бу сўм ёки бошқа бир давлат валютасининг эквиваленти бўлиб, унинг айланиши фақат электрон тизимда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда 3266 - сон билан рўйхатдан ўтказилган “Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари”да **электрон тўлов** техник воситалар, ахборот технологиялари ва ахборот тизимлари хизматларидан фойдаланган ҳолда электрон тўлов ҳужжатлари орқали нақдсиз пул тўловларини амалга ошириш деб таъриф берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 сентябрдаги “Электрон тижорат тўғрисида” ЎРҚ-792-сон Қонунида электрон тижорат соҳасида тўловлар электрон пуллардан фойдаланган ҳолда электрон пуллар тизимида очилган **электрон ҳамёндаги** пул маблағларини ўтказиш воситасида амалга оширилиши белгиланган.¹

Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқотда электрон (нақдсиз) пулга ўтиш ва нақд пуллик тўловлардан босқичма босқич воз кечилиши натижасида нафақат иқтисодий соҳада балки коррупцион соҳалардаги ҳолатларни камайтириш борасида кутилаётган ижобий самаралар, шунингдек хорижий мамлакатлар тажрибаси анализ, синтез, қиёслаш

¹ <https://lex.uz/docs/6213382>



усуллари қўлланилган ҳолда ўрганилди. Бундан ташқари хорижий ва маҳаллий илмий - назарий манбалар таҳлил қилиниб, тегишли хулоса ва таклифлар шакллантирилди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Иқтисодчи профессор **Маргарита Брюнермейер** рақамли пуллар ва марказий банк рақамли валюта (CBDC) пул айланиш жараёни, тўлов воситаси танлови ва банк тизимидаги мураккаб ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Электрон пуллар марказий банклар учун сиёсат ва назарияни қайта кўриб чиқишни талаб қилади деган фикрни билдирган.²

Хитой иқтисодиёт унверситети ўқитувчиси **Шен Луо** электрон пулларнинг кенгайиши марказий банклар ва молиявий сиёсатнинг самарадорлигига таъсир кўрсатиши мумкин деб таъкидлаган.³

Иқтисодчи профессор **Александр Родригес** рақамли пулларнинг ишга тушиши инфляция даражасини пасайтиришга ёрдам беради. Рақамли пуллар ва тўлов тизимлари иқтисодий барқарорликка таъсир қилиш ва макроиқтисодий кўрсаткичларни яхшилашда муҳим аҳамиятга эга деган фикрни билдирган.⁴

Таҳлил ва натижалар

Ҳозирги вақтда пул уч шаклда муомалада бўлади. **нақд, нақдсиз ва электрон** кўринишда. Пулнинг тўртинчи шакли - рақамли пуллар ҳам пайдо бўлди. Бироқ, айрим мутахассислар рақамли пуллар айланмасининг баъзи хусусиятлари ва миллий тартибга солиш жиҳатлари туфайли уларни нақдсиз ёки нақд пулларнинг бир тури сифатида талқин қилмоқдалар.

Электрон пуллар (e-money) - банк компьютер тизимларида сақланадиган ва фиат пуллар билан таъминланган валютадир (ҳукумат томонидан кафолатланган ва қонуний тўлов воситаси ҳисобланади). Мисол учун, электрон пулларни исталган банкоматда карта ёки бошқа тўлов воситасидан ечиб олиш мумкин. Электрон пуллар нақд пулсиз тўловлардан фарқ қилади.

Нақдсиз пуллар - банк ҳисобварақлари ўртасида маблағларни ўтказиш учун фойдаланиладиган пул воситасидир.

Электрон пуллар интернет орқали рақамли компьютер тизимларида сақланадиган ёки айирбошланадиган нақд пулларнинг рақамли эквиваленти ҳисобланади.

Электрон пулларни смарт карталар ёрдамида сақлаш ва ўтказиш мумкин. Смарт - карталарда пуллар “пул файллари” кўринишидаги ёзувлар сифатида

² <https://www.ecb.europa.eu/pub/pdf/scpwps/ecb.wp2713~91ddff9e7c.en.pdf?utm>


³ <https://www.mdpi.com/2227-7390/9/20/2614?utm>

⁴ <https://www.journaleconomics.org/index.php/AJEFM>



сақланади. Улар сим-картадаги чип хотирасида жойлашади, бундай карталарда пулни шифрлаш имконияти мавжуд.

Шунингдек, ушбу сиёсат доирасида аҳоли ва хўжалик субъектларининг нақд пулга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам амалга оширилади. Яъни Марказий банк банклар орқали пул маблағларининг етарли миқдорда мавжудлигини таъминлайди, пул айланмасидаги узлуксизликни сақлайди ва иқтисодиёт субъектлари учун тўлов қобилиятини таъминлаб беради. Бугунги кунда мамлакатимизда нақд пулларни асосий тўлов воситасидан бири деб айтишимиз мумкин.



1-расм. 2023-2024 йилларда банк карталарига тушган маблағларнинг нақдлаштириб олиниши ҳажми⁵

Юқоридаги диаграммада банк карталаридаги пул маблағлари ҳаракатини кўрадиган бўлсак 2023 йилда банклар томонидан очилган карталарга жами 789,5 трлн.сўм пул маблағлари тушган бўлса, ушбу пул маблағларининг 189,2 трлн.сўми ёки 24,0% нақд пул кўринида ечилган, 2024 йилда эса банк карталарига тушган пул маблағлари ҳажми ўтган йилга нисбатан 244,7 трлн.сўмга ошиб жами 1 034,2 трлн.сўмни ташкил қилган бўлса, ушбу пул маблағларини нақдлаштириш ҳажми 225,9 трлн.сўмни ташкил қилиб 21,8 фоизни ташкил этган. Пластик карталардаги пул маблағларини нақдлаштириш 2023 йилга нисбатан 2024 йилда 36,7 трлн.сўмга ёки 19,4 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин.

2024 йилда муомаладаги нақд пулларнинг **ЯИМ**даги улуши **3,7 фоиз**ни ташкил қилаётган бўлса, жами пул массасидаги улуши **19,2 фоиз**га тенг бўлмоқда ва

⁵ Марказий банк маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди



муомаладаги нақд пулларнинг **0,3 фоизи** (ёки **831,2 млрд.сўм**) **танга** пуллар ҳисобига тўғри келмоқда.

Республикамизда **2024 йил** давомида **152,1 млн.дона** банкноталар муомалага чиқарилиб нақт пулнинг умумий массаси **7,5 фоизга** ошгани ёки 2025 йил бошига келиб муомаладаги банкноталар сони тахминан **2 028,0 млн** донани ташкил қилаётганининг ўзи ҳам нақд пул айламаси йилдан йилга кўпайиб, аҳолининг қоғоз ва танга пулларга бўлган талаби юқорилигича қолаётганини кўрсатиб бермоқда.⁶

Хориж тажрибаси

Японияда “Электрон пул” инфратузилмаси 1990-йиллар охирида пилот лойиҳалар билан бошланди.

Кодли (QR) тўловлар. JPQR — мамлакат миқёсида ягона QR стандарти (2019); 2025-йилда JPQR Global доирасида хориж кодлари билан ўзаро ишлайдиган тўловлар Ехро 2025 майдонида йўлга қўйилди.

Давлат ислохотларга таъсири 2019–2020 йилларда “кэшлесс балл-қайтариш” дастури истеъмолчиларни нақддан рақамли тўловларга ўтишини рағбатлантирди. Кичик савдо шахобчалари учун терминал қўйиш харажатлари субсидия қилинди.

Бундан ташқари, Япониянинг электрон пулларга ўтишдан асосий кўзланган мақсади бу харажатларни қисқартиришдир. Яъни нақд пулларни ишлаб чиқаришдан то утилизация қилунгунга қадар кетадиган бир йиллик харажатлар миқдори **500-600 млн АҚШ доллари** деб баҳоланган.

АҚШда электрон тўлов тизимининг ривожини бир неча босқичдан иборат бўлган.

Мобил алоқа тарқалиши (2010-йиллар) Apple Pay, Google Pay ва шунга ўхшаш электрон ҳамёнларни оммалаштирди. Соҳанинг энг сўнгги босқичи сифатида 2023 йилда ФРС FedNow реал вақтда пул ўтказиш тизими жорий этилди. У орқали банклар бир - бирларига тўловларни бир неча сонияда амалга ошира олади. Бугунги кунда АҚШда нақдсиз тўловлар миқдори ошиб, 2000 йилга нисбатан (қўллаб берилган маълумотларга кўра) ёзма чеклар улуши **59%дан 5%га** тушган, дебет карта улуши **11%дан 52%га** кўтарилган. Бу ривожланиш натижасида АҚШ аҳолисининг **92%га** яқини ҳеч бўлмаганда бир марта электрон тўлов усули билан тўлов амалга оширганлиги маълум қилинган.⁷

Электрон пуллар жорий этиш орқали иқтисодий операциялар устидан назоратни кучайтиришга, яширин иқтисодиёт ҳажмини қисқартиришга, коррупция даражасини камайтиришга ҳамда солиқ тушумларини оширишга эришилади. Шунингдек, электрон пул тизими нақд пул айланмасини қисқартириб, унинг ишлаб

⁶ https://cbu.uz/upload/medialibrary/57b/0k19fv1aey7lot5eyib3eae4rx8lc1jh/Markaziy-bank-yillik-hisoboti-2024_.pdf

⁷ <https://www.stlouisfed.org/publications/page-one-economics/2024/01/02/payment-systems-evolution-how-does-money-move-from-a-buyer-to-seller>



чиқариш, ташиш ва сақлаш билан боғлиқ харажатларини кескин камайтиради.

Бундан ташқари, электрон пуллар молиявий инклюзияни (яъни аҳолининг банк ва тўлов хизматларидан кенг фойдаланиш даражасини) оширишда муҳим ўрин тутди. Бу эса кичик бизнес, тадбиркорлар ва аҳоли учун янги молиявий имкониятлар яратишга хизмат қилади.

Шу сабабли, электрон пулга босқичма - босқич ўтиш мамлакат иқтисодиётида рақамли технологияларни жорий этишни тезлаштиради, тўлов тизимлари хавфсизлигини таъминлайди ва миллий иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлайди.

Тадқиқот натижасига кўра қуйидагилар таклиф этилади:

1. Ўрганилган халқаро тажрибадан келиб чиқиб, нақд пул маблағларини ишлаб чиқариш, сақлаш, муомалага киритиш ва бошқа харажатларни камайитиш мақсадида Ўзбекистонда ҳам **электрон пулларни жорий этиш** мақсадга мувофиқ.

2. Аҳолининг электрон пулларга ўтиш давридаги **молиявий саводхонлигини ошириш** юзасидан оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқлар орқали, шунингдек маҳалла еттилигини жалб қилган ҳолда жамоатчилик билан билан кенг миқёсда **мулоқот ва тушунтиришлар ўтказиш**.

3. **Соҳалар кесимида босқичма - босқич тўлиқ электрон тўловга ўтиш**. Масалан: қурилиш, чакана савдо, (алкогол ва тамаки савдоси) меҳмонхона ва туризм соҳаларини тўлиқ нақдсиз тўловларга ўтказиш.

4. **Тажриба лойиҳаси сифатида республиканинг бир ҳудудини танлаган ҳолда тўлиқ электрон тўлов тизимини жорий қилиш**. Тошкент шаҳрида бугунги кунда интернет тармоғи энг яхши ривожланган ҳудуд эканлигини инобатга олиб, Тошкент шаҳрининг битта туманини танлаган ҳолда ушбу ҳудуддаги савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида тўлиқ электрон пуллар муомаласини жорий қилиш.

Тажриба натижасидан келиб чиқиб, республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам электрон пуллар(тўловлар)дан фойдаланишни амалиётга тадбиқ этиш.

5. **QR-кодлар ва мобил илова орқали тўловларни кенгайтириш**. Ҳозирги кунда QR-кодлар орқали тўловлар жуда оммалашмоқда. Бу фуқароларга савдо нуқталари ва хизмат кўрсатувчи соҳалардан осонлик билан тўлов қилиш имконини беради. QR-кодлар технологиясини оммавий жорий этиш ва унинг иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида қўлланилишини рағбатлантириш, тўловларни аниқ ва осон қилишга ёрдам беради.

6. **Электрон тўлов инфратузилмасини модернизация қилиш**. Барча тўловларни мобил платформа ва интернет-банкнинг орқали амалга ошириш учун мукамал инфратузилма талаб этилади. Ўзбекистондаги банклар ва молиявий



хизматлар интеграцияланган платформага эга бўлиши керак, бу эса кредит карталари, дебет карталари, мобиль ҳамёнлар ва QR-кодларни бирлаштиришга ёрдам беради.

7. Кешбэк ва бонус тизимини жорий этиш. Фуқаролар томонидан электрон тўловлардан кенг миқёсида фойдаланишини рағбатлантириш учун кэшбэк ва бонуслар тизимини амалиётга киритиш керак. Микробизнеслар ва чакана савдолар учун шунга ўхшаш рағбатлантириш воситаларини киритиш, тўловларнинг рақамли усулларига ўтишни тезлаштиради ва аҳолини электрон пулларга ўтказишга ёрдам беради.

8. Электрон пулларнинг хавфсизлигини таъминлаш. Электрон тўловларнинг осон ва хавфсиз бўлиши учун, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи муҳим. Киберхавфсизликни, криптография ва шифрлашни қўллаш, ўз навбатида анонимлик ва махфийликни сақлашга ёрдам беради. Бу жамоат ишончини ва электрон тўловларга бўлган талабни оширади.

9. Банк карталарида сақланган пуллар учун қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиқиб, махсус фоиз тўловлари механизмини жорий қилиш. Агарда картадаги пуллар банкоматлар орқали нақтлаштирилганда ушбу берилган фоизлар қайтариб олиниши лозим.

10. Электрон пуллар жорий этилиши натижасида яширин иқтисодиёт даражасини камайтириш ҳамда солиққа оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олиш юзасидан Солиқ қўмитаси томонидан рақамли электрон платформа ишлаб чиқилиб, алоҳида назорат ўрнатилиши лозим.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 сентябрдаги “Электрон тижорат тўғрисида”ги ЎРҚ-792-сон Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда 3266 - сон билан рўйхатдан ўтказилган “Тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари”.

3. https://cbu.uz/upload/medialibrary/57b/0k19fv1aey7lot5eyib3eae4rx8lc1jh/Markaziy-bank-yillik-hisoboti-2024_.pdf

4. www.ecb.europa.eu/pub/pdf/scpwps/ecb.wp2713~91ddff9e7c.en.pdf?utm

5. www.mdpi.com/2227-7390/9/20/2614?utm



-
6. www.journaleconomics.org/index.php/AJEFM
 7. www.ecb.europa.eu/press/key/date/2020/html/ecb.sp201012_1~1d14637